

ФАРМОН ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ел-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда қорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида» 1990 йил 10 май фармони ва уни амалга ошириш бўйича ҳукуматнинг тегишли қарори ушбу соҳада кўрсатилган бекиёс ҳам-хўрлик бўлди. Шу йилнинг 25 октябрина яна бир дедил қадам қўйилди: Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Жумҳурият аҳолиси-нинг шахсий ердამчи хўжаликларидеги қорва ва паррандани озуқа билан таъминлашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида» фармони қабул қилинди. Шубҳасиз, бу фармойиш ва кўрсатмалар барчани беҳад қувонтирмоқда. Хўш, уларнинг ижроси қандай? Мухбиримиз Ўзбекистон ССЖ Президенти фармонини амалга ошириш бошқар-масининг бошлиғи, қишлоқ хўжалиғи фанлари номзода Адҳам ИСМОИЛОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

шак тайёрлашга ва аҳолига со-тишга етарли эътибор берилмади. Натижада бу соҳалардаги топши-риқлар ўзда-жўлда қолди.

Жиззах вилоятида қўй ва эчки, парранда сотиш қонирасиз аҳвол-да. Пахтакор, Мирзачўл районла-рида ҳозирга қадар аҳолига би-рорта ҳам қўй ёки эчки сотилма-ди. Умуман, вилоятдаги ўн икки-та райондан ўнтаси қўй-эчки, тўқ-қизтаси парранда сотиш топшири-гини адо этмади.

Қоқоқлик боисини суриштир-сангиз турли вақт-корсонларни ру-кач қилишди. Истаган имконият қидиради, истамаган баҳона, де-гайларидек, уларнинг тутаётган йўллари тўғри эмас. Топшириқлар ҳақиқий вазиятдан келиб чиқиб белгиланган, демак, ҳамма жойда уларни бажаришнинг имкони бор.

— Аҳолига омикта эм, шот-қунжара, чигит шелухаси сотиш-нинг аҳволи қандай?

— Бу ўринда жорий йилнинг тўққиз ойи натижаларини кўриб чиқишимиз мумкин. Ана шу вақт давомида одамларга сотиш учун 234,7 минг тонна омикта эм ажратилган эди, амалда 232,2

— Адҳам Исмоилов, аввало бошқарманинг фаолияти ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Бошқарманинг жорий йил-нинг 1 июлидан иш бошлаган. Жамоамиз олти кишидан иборат. Бу соҳадаги иш эндигина изга тушмоқда, бинобарин, келгусида сафимиз кенгайиши табиий. Қан-дай юмушларни бажаришимиз кўп-чилигини қизиқтириши мумкин. Биз асосан жумҳурият Президентининг аҳоли шахсий ердამчи хўжалик-ларидаги қорва ва паррандани озу-қа билан таъминлаш тўғрисидаги фармонлари жойларда амалга оши-рилишини назорат қилиб борамиз, бу тадбирларни бажаришда йўл-йўриқ ва амалий ердამ курсат-маиш.

— Дастлабки фармон қабул қилинганидан бери орадан беш йрим ойдан зиёд вақт ўтди. Шу даврда нима-ларга эришилди?

— Бу мўддат фармонни бажари-риш учун ҳам оз, ҳам кўп. Бундай дейётганимнинг боиси — шу фурс-ат ичида ҳоҳлаган анча-мунча ишларни қилди, истамаган тайсал-лаб турибди. Лекин шуни айтиш керакин, аксарият вилоятларда, жамоа ва давлат хўжаликларидеги таъил тадбирлар амалга оширилди. 11 Мисолларга мурожаат этайлик. Ҳозирга қадар жумҳурият молхоз-лари ва совхозлари аҳолига хашак, қорамол, қўй-эчки, чўчка-сотиш бўйича топшириқларни бажариш-лар, Умуман, 11 ноябргача аҳоли-га 815 минг тонна дағал хашак, 152,2 минг тонна ширали ва 444 минг тонна кўк озуқа, 54 минг қорамол, 314 минг қўй-эчки, 31 минг чўчка, 7,5 миллион парран-да сотилди.

Жумҳурият Президентининг фармони юзасидан Андижон ви-лоятида қилинаётган иш диққатга сазовор. Бу ерда ширали озуқа-дан бошқа барча кўрсаткичлар бў-йича топшириқлар ошириб адо этилди. 11 ноябргача аҳолига 2.500 ўринга 6.863 бош қорамол, 13 минг ўринга 62.632 қўй ва эчки, 450 минг ўринга 591,3 минг парранда, 6 минг ўринга 17 минг тонна дағал хашак, 12 минг тонна ўринга 23 минг тонна кўк, 14,2 минг (топшириқ 19 минг) тонна ширали озуқа сотилди.

Бошқа вилоятлар ҳам у ёки бу кўрсаткич бўйича яхши натижа-ларни қўлга киритишган. Элга қорва моллари ва парранда сотиш топшириқлари Қорақалпоғистон МССЖ, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларида тўлиқ бажарилди. Қорамол сотиш топширигини ўн иккита вилоят-дан ўн биттаси, қўй-эчкини тўқ-қизтаси, паррандани еттисиси ула-далади. Айни пайтда сўзлашқин қилётганлар, ишга панжа ораси-дан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Тошкент, Қашқадарё, Жиззах ви-лоятларида аҳолига сотилган пар-ранда белгиланганга нисбатан эндиғина 34—39,3 фоиз бўлди, ҳоло.

Аҳоли шахсий ердამчи хўжа-ликларидеги қорва ва паррандани озуқа билан таъминлаш соҳасида аҳвол қуйидагича: дағал хашак сотиш яхши ташкил қилинган. Хо-разм, Қашқадарё, Тошкент вилоят-лари топшириқни 11 ноябрга қад-р 390—223 фоиз бажаришган. Жами тўққизта вилоят уни адо этди, яна иккитаси удалаш ара-фасида. Лекин ширали ва кўк озу-қа сотиш низоҳатда ёмон, Мухим

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

— Районларда аҳвол қандай? Ҳар бир соҳада бўлган сингари бу ишда ҳам илгорлар ва қоқо-лар борлиги шубҳасиз.

— Албатта, манзара турлича. Қарада фармон ижросига жиддий ёндашилмаётган бўлса, ўша ерда иш қўйилмайдик. Шу ўринда Андижон вилоятининг ҳамма рай-онларини ўрнат қилиб кўрсатиш мумкин. Ленин районига аҳолига 200 ўринга 958 бош қорамол, 900 ўринга 5.668 қўй ва эчки, 275 минг ўринга 369 минг парранда сотилди. Пахтабод районига ҳам барча кўрсаткичлар бўйича топ-шириқ зиёдаси билан бажарилди. Изобскан, Москва, Андижон, Бўз районларида ҳам яхши. Бундай илгорлар бошқа вилоятларда ҳам бор.

Лекин қоқоқлар ҳақида кўпроқ тўхталмоқчиман. Меҳнатбод рай-онини олиб кўрайлик. Тўғри, унда шароит қийин, худуди Мирзачўл-нинг туғроғи гипсли қисмида жой-лашган. Аммо фармонни амалга оширишда булар баҳона бўлмайди. Эчки майдонларида беа-лоқ ел-хашак етиштириш, қорва молларни боқиш мумкин. Районда фармон юзасидан олтинта асосий кўрсаткич бўйича белгиланган топ-шириқларнинг бирор банди ҳам адо этилмади. Андижон айтганда, 1 ноябргача аҳолига 130 ўринга 77 бош қорамол, 10 минг ўринга 800 парранда, 26 минг центнер ўринга 12,7 минг центнер дағал хашак, 10,2 минг центнер ўринга 53,3 минг центнер ширали озуқа, 37,5 минг центнер ўринга 16,4 минг центнер кўк ўт сотилган, ҳоло. Йил охирига қадар ҳам топшириқлар бажарилаётганини аниқ. Район иккироя қўмитаси, деҳқончилик-саноат уюшмаси, хўжаликлар раҳбарларининг муҳим ишга бунчалик совуққонлик билан қарашмаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Қорақалпоғистон мухтор жум-ҳуриятининг Мўйноқ районида ҳам аҳвол шунга ўхшаш. Бу ерда 1 ноябргача одамларга 280 ўринга 149 қорамол, 24 минг центнер ўринга 10,1 минг центнер дағал хашак тарқатилган. Қўй ва эчки, ширали озуқа, кўк ўт мўлжал-сотилмаган. Бахмал районига бирор-та кўрсаткич бўйича топшириқ удаланмаган. Йилнинг қўлай давлари ўтди, Бахористон, Қосон, Кинтоб, Шахрисабз, Муборак, Гал-лаорол, Фориш, Жиззах, Ўсмон Юсупов, Оқолтин, Гулистон, Ком-сомол, Ховос районларида ел-ха-

минг тонна тарқатилди. Хоразмда 525, Самарқандда 800, Тошкент вилоятида 280, Қорақалпоғистон МССЖда 316 тонна шундай озу-қа вағдига аҳолига сотилмади. Бунга сабаб—мазкур жойларда жамғармадан омикта еми белги-ланган мўддатда олмаслик, уни сотадиган махсус дўконлар етиш-маслиги, эътиборсизлик ва ҳоқа-золар.

Бу йил аҳолига сотиш учун 60 минг тонна шот-қунжара ажрати-лган эди. Бироқ «Узпишпроми-сир» жумҳурият ишлаб чиқариш би-рлашмаси айби билан 21,3 минг тонна сотилди, ҳоло. Бу йиллик жамғарманинг 35,5 фоизини таш-кил этади. Шунингдек, жорий йилда аҳолига тарқатиш учун 75 минг тонна чигит шелухаси ажрати-лган бўлса, ўтган 9 ойда 39,1 минг тоннаси (52,1 фоиз) сотил-ди. Фармон бўйича шахсий ердამ-чи хўжаликлардаги қорва ва пар-рандани бошқа хил озуқалар билан таъминлаш ҳам қўйилмайдик эмас.

— Жумҳурият Президентининг май ойидаги фармонида 1990 йил мобайнида ҳар бир посёлка, қи-шлоқ ва овул Кенгашида фуқаро-ларнинг шахсий хўжаликларидеги молларга зооветеринария хизмати кўрсатадиган хўжалик ҳисобидеги пунктларни ташкил этиш таъкид-ланган. Бу борада нима-лар қили-напти?

— Бу жиддий масала. Чўчки аҳоли бокундаги жониворлар нашини яхшилаш, уларни тиббий кўридан ўтказиб туриш, илмий асосда озиклаштириш, қорвачилик маҳсулотларни етиштирилиш кў-пайтиришнинг муҳим омиллари-дир. Жумҳурият бўйича 1.376 та қишлоқ, 124 та посёлка ва шаҳар Кенгаши бор. Аввало уларда аҳоли қорваси ва паррандасига зооветеринария хизмати кўрсату-вчи хўжалик ҳисобидеги пунктлар бўлиши талаб қилинади. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир йирик қишлоқда улар барпо этилади.

Афсуски, ҳозирча бу соҳада бажарилаётган иш кишини қониқ-тирмайди. Халқ депутатлари район ва қишлоқ Кенгашларининг ик-кироя қўмиталари, деҳқончилик-са-ноат уюшмалари, жамоа ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари бунга етарли эътибор бермайти-лар. Шу йилнинг 1 ноябргача жумҳуриятда 1.500 ўринга атиги 514 та зооветеринария хизмати кўрсатиш пунктлари ташкил қи-линган. Бошқача айтганда, қўзда тутилган ҳар учта пунктнинг икки-

таси ҳали йўқ. ҚҚМССЖ, Тош-кент ва Наманганда белгиланган топшириқ 56—69 фоиз бажари-лган бўлса, Андижон, Бухоро, Сир-дарё, Сурхондарё, Хоразм вилоят-ларида 7—20 фоиздан ошмапти. Деярли ҳамма жойда зооветерина-рия хизмати кўрсатиш пунктлари иш-тини йўлга қўйиш лозим.

— Ҳозирги пайтда қорва мол-ларининг қанча қисми шахсий хў-жаликлар ҳиссасига тўғри кел-моқда? Етиштирилаётган махсу-лотларнинг-чи?

— Ўзбекистон ССЖ Президен-тининг май ойидаги фармонидан кейин аҳвол яхши томонга кес-кин ўзгарди, албатта. Айни вақт-да жумҳуриятда мавжуд жами қорамолларнинг 55, шу жумладан соғин сугирларнинг 70, қўй-эчки-ларнинг 35 фоиздан хонадонларда боқилмоқда. Шубҳасиз, кейинги пайтларда шахсий хўжаликларда қорвачилик маҳсулотларни етишти-риш ва давлатга топшириш кўпай-ди. 1989 йилнинг 1 октябрга қад-р аҳоли 12,4 минг тонна гўшт сотган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 15,4 минг тонна иш таш-кил этди. Жиззах, Сирдарё, Қаш-қадарё, Бухоро вилоятларида, Қо-рақалпоғистон МССЖда бу кўрсат-кич 1,3—4,7 баравар ўсди. Сут-чилиги ҳам муайян ўзгаришлар бўл-моқда. Жорий йилнинг дастлаб-ки тўққиз ойида аҳолидан 66,5 минг тонна сут харид қилин-ди, бу 1989 йилнинг шу даври-га нисбатан 10,4 минг тонна зиёд. Ушбу соҳада Бухоро, Жиззах, Тошкент вилоятларида, ҚҚМССЖ да ибратли ишлар амалга оши-рилмоқда.

— Шу йилнинг 1 октябридан бошлаб аҳоли сотадиган баъзи қорвачилик маҳсулотларига дав-лат харид нархи ошди. Шахсий хўжаликлар қорвасини ривожлан-тиришда, уларда гўшт, сут етиш-тириши кўпайтиришда бунинг таъсири сезилса керак.

— Бу одамларнинг рағбатини оширади, десам адашмайман. Жо-рий йилнинг 1 октябридан қорва молларининг (тирик вазнида) давлат харид нархлари ошди, 1991 йилнинг 1 январидан сут-ники ортиши мўлжалланмоқда. Шунда нормадан юқори секин-ликдаги қорамолнинг ҳар кило-грамм тирик вазни учун 4 сўм 87 тийин, қўй учун эса 3 сўм 87 тийин, бир килограмм олий наф сут учун 91 тийингача ҳақ тўланади. Булар аввалги баҳо-лардан 2—3 марта қиммат.

— Жумҳурият Президентининг 1990 йил 25 октябргаги фармони шахсий хўжаликлар қорвасини ва паррандасини озуқа билан таъ-минлашда қўшимча тадбирларни белгилаб берди. Демак, келгуси йилда аҳолига ел-хашак сотиш янада ортади. Шундайми?

— Фармонда 1991 йилдан бош-лаб пахта чигитини қайта ишлаш натижасида олинадиган маҳсулот-ларни (кислит ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ишларига берилади-ган ҳам ишдан ташқари) жумҳу-риятдан ташқарига етказиб бе-риш бекор қилинган. Айни пайтда келгуси йилдан аҳоли шахсий хў-жалигидаги бир бош шартли мол-га давлат ресурсларидан 160 кило-грамм қунжара, 115 килограмм чигит шелухасини қўшимча равиш-да бериш белгиланган.

Ҳар иккала фармон бўйича ажратилган озуқа миқдори-ни қўйиб ҳисобласак, 1991 йилда аҳолига хонадонлардаги бир бош шартли мол ҳисобига давлат ман-баларидан 220 килограмм қунжа-ра, 145 килограмм чигит шелухаси, 160 килограмм омикта эм сотили-ши керак. Бундан ташқари жамоа ва давлат хўжаликларидеги ўзларида етиштирилган озуқабоп галладан ҳам маълум қисmini ажратаяпти. Агар шахсий хўжаликдаги ҳар бош шартли мол ҳисобига 550 кило-грамм дағал хашак, 300 кило-грамм ширали озуқа, 1.100 кило-грамм кўк ўт берилишини ҳам назарда туссак, йил давомида аҳоли қорваси 9—10 центнер озу-қа бирлигини олади.

Хуллас, фармонларнинг амалга оширилиши халқ турмушини юк-салтиришга, Озиқ-овқат дастурини бажаришга, дастурхонни тўқни-қилишга муносиб ҳисса қўшади.

Суҳбатдош:
Э. ИБРОХИМОВ.



ЭРТАНГИ КҮННИ ЎЙЛАБ



Олтинқўл районидеги Куй-бишев номида жамоа хўжали-ғи кейинги йилларда иқтисоди-дини бирмунча мустаҳкам-лаб олди. Бу эса ўз навбати-да қатор иқтисодий муаммо-ларни ижобий ҳал этиш им-конини берди. Бир неча йил-лардан бери аҳоли озуқа қи-либ келган масала — қиш-лоқларнинг ичимли сув би-лан таъминлаш айтиш мўд-дао бўлди.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳар бир хўжалик раҳ-барини жиддий ташвишга со-лиши табиий. Эртанги кўнни ўйламаслик мумкин эмас. Ижорий йилда асосий тармоқ — пахтачилик бўйича белги-ланган режани 101,6 фоиз адо этдик. 740 гектар ер-нинг ҳар гектаридан 32,6 центнердан ҳосил кўтардик. Қорвачилик, сабзавотчилик, пиллачилик ва бошқа тар-моқлар бўйича марра зиёди билан эгилди. Даромад ҳам шунга яраша мўмай бў-лиши кўтилмоқда. — дейди хўжалик раиси Қирғизбой Саидов. — Иш яхши бора-пти, шу босқ жамоа аҳли-нинг нафийти баланд. Ҳар-бир йўли билан 12 чакирмон жойдаги ариқ-зоғуларни то-залладик. Авваллари ана шу юмушни адо этишга минг-лаб сўм маблағ сарфла-нарди.

Бу йил жамоа хўжалиғи 2 миллион 600 минг сўм даромад олишни мўлжалла-ган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда кўтил-ганидан анча юқори — 3 миллион 600 минг сўмга яқинлашиб қолапти. Лекин илгорлар бу билан қаноатлаш-нишмаётгани йўқ. Иқтисодий самара берадиган, одамлар-ни иш билан таъминлайди-ган янги-янги тармоқларни юзага келтиришапти.

«Хотира» матога гул бо-сиш кооперативининг тузил-гани ҳам бежиз эмас. Ҳозир ушбу мўъжаз цех хўжалик-ка яхшигина даромад келти-рапти. Хуллас, бу ерда бозор иқтисодиётига ўтсак ни-ма бўларкин, деб бош қоти-риб ўтирмай янгилик сари дадил интилиб, бор имкони-ятларни ишга солишапти.

Б. АЛИМОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Илгор си-ғирсоғар Дилдором Юсупова (чапдан), сут-товар фермаси мудири Анбарали Қосимов, жамоа бошқаруви раиси Қир-ғизбой Саидов ва сиғирсоғар Уматхон Абдухалиқов. 2. Қў-ли гул тикувчи Фарида Қам-баров. 3. Тикувчилик цехида. 4. Кооператив аъзолари Ра-шан Уматов ва Раҳмат Ермо-тов.

Муаллиф олган суратлар.

Бекордан
эл безор

ХУНАРМАНДЧИЛИК-БОБОЛАР АНЪАНАСИ

Ошкоралик ҳаётига то-бора нутурқор кириб бора-ни сайин, турмушимиздаги камчиликлар, йўл қўйган ха-толаримиз шунчалик яққол-роқ намойиш бўлмоқда. Энди-ликда биз бу нуқсонлар ҳа-қида фарё қилмай, уларни бартараф этиш йўлида аниқ тадбирлар белгиласак ва амалга оширсак, шуниси фойдалироқ бўлур эди. Ян-гиланиш, покланиш туфайли бизнинг жамиятимизда ҳам ишислар мавжудлиги ра-ван бўлиб қолгани ҳеч ки-мга сир эмас. Жумҳурият ҳу-кумати бу соҳада муҳим тад-бирлар белгиледи. Айни кунларда аҳолини иш билан таъминлашнинг имконият-лари излаб топилмоқда. Ма-домки гап шу долзарб мав-зуда борор экан, биз уни Ромитан мисолида кўриб чи-қайлик.

Районда жами 37 минг 501 киши меҳнатга лаёқатли бўлиб, уларнинг 30 минг 194 нафари қишлоқ хўжа-лигида, 973 киши саноат корхоналарида, 601 нафари

транспорт ва алоқа, 1.554 киши эса қурилиш ҳамда бошқа соҳаларда меҳнат қи-лишди. Район иккироя қў-митаси ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш ва касб-га йўналтириш идораси маълумотига кўра 1990 йилнинг бошида ишсизлар сонин 649 кишини ташкил этар эди. Одамларни ишга жойлашти-ришнинг янги имкониятлари-дан фойдаланиш режаси ту-зиб чиқилди. Ромитанда, давлат ва жамоа хўжалик-ларида, аҳоли зич жойлашган қишлоқларда кичик саноат корхоналарини ташкил этиш, шунингдек маиший хизмат кўрсатувчи шохобчаларни қуриш ҳамда маҳаллий ик-тидоралик бўлиналари-ни теж фурсатда очиб шу режада кўрсатилган эди.

Бу борада қўйилган даст-лабки қадамлар ўзининг самарали натижасини кўр-сатди. Дастлаб К. Маркс но-мида жамоа хўжалигида са-ноат ишлаб чиқариш комби-

нати барпо этилди. Унда ти-қувчилик, гишт терувчилик, дурадгорлик, электр пай-вандчилик, юзасолик бўйича бўлиналар очилди. Бу комби-натида ишга туширилиши 70 нафардан ортқ кишини меҳнат билан шугулланши-га имконият яратди. Маасур ташкилотда ҳар ойда 35—40 минг сўмлик иш бажари-лмоқда.

Ленин номи ва Наримо-нов номи жамоа хўжалик-ларида ишга туширилган ки-чик қувватли гишт заводла-ри биринчидан, аҳолини ар-зон қурилиш материални билан таъминлаш имконини берган бўлса, иккинчидан 30 нафардан ортқ кишини иш билан таъминлади. Шунинг-дек, бундай кичик гишт че-хи Ромитон шаҳридаги «Стоймебелит» ташкило-ти қошида ҳам қурилди. Би-ноқорлар эндиликда ўзлари учун керак бўладиган мате-риални бемалол шу ердан истаганча оладиган бўли-лар.

«Ромитан» давлат хўжали-ғи 4-бўлимида, шу совхозда-ги Ф. Хўжаев номи мактаб қошида ташкил этилган ти-қувчилик цехларида ҳам дастлабки маҳсулотлар тай-ёрлана бошлади. Яқинда эса шундай бўлими 5-бўли-мида ҳам ишга тушди. Бу учала цехнинг ҳар бирида ҳозир 15—20 нафардан қиш-лоқ қизлари бежирим қийм-лар тайёрлашмоқда. Бу шо-ҳобчаларнинг ояига 12—15 минг сўмлик маҳсулот тай-ёрланиб, савдо тармоқлари-га етказиб берилмоқда. Бун-дан ташқари шу давлат хў-жалигининг 5-бўлимида очил-ган кичик мойжувоз ҳам дастлабки маҳсулотини қиш-лоқ аҳолига тортиқ этди. Бу-нинг эвазига янги меҳнат ўринлари очилди. Ҳар ойда бу ерда 1300—1500 сўмлик маҳсулот тайёрланаётди.

Узумчилик ва бодғорчи-ликка ихтисослаштирилган «Октябрь 60 йилгига» дав-лат хўжалигида шу йил э

мавсумида ишга туширилган консерва цехида ҳам ўн на-фар йигит-қиз ишга қўйи-лашди. Ҳар ойда 15—20 минг шартли банка турли хил мева шербатлари ва бошқа неъматлар тайёрлаб, хўжалик ишлари ўз қиш-лоқларидаги кичик саноат корхонасида ишлаб-ташкилла-ридан маъмулдирлар.

Биз жамиятда районда аҳо-лини иш билан таъминлаш борасида қилинаётган иб-ратли ишлар, изланишлар ҳақида фикр юритдик. Мана шундай имкониятлар қиди-риш топилганлиги туфайли шу йилнинг бошидан бери районда 334 киши ишга жой-лаштирилди. Буларнинг ак-сариятини турли билим дар-гоҳларини битириб келган мутахассислар ташкил этди.

Район иккироя қўмитаси ҳузуридаги аҳолини иш би-лан таъминлаш ва касбога йўналтириш идораси бошли-ғи Азим Нарзиев билан шу мавзуда суҳбатлашганимиз-да, у ўз мўлоҳазаларини қуйидагича изҳор этди:

— Район хўжаликлар раҳбарлари ёшларни иш би-лан таъминлашда алоҳида эътибор бермоқдалар. Ай-ниҳа, «Ромитан», Ибн Сино номи давлат хўжаликларидеги бу борада қилинаётган ишлар кичик кўнунтири-ди. «Ромитан» давлат хўжа-лигида шу йил мактабни битирган ёшлардан 80 нафа-ри, Ибн Сино номи давлат

хўжалигида 41 нафари ишга қабул қилинди. Ени шу йил район мактабларини битириб чиққан 322 нафар йигит-қизнинг таълиб қондирилиб, уларни ишга жойлаштириш-га муваффақ бўлдик.

Жумҳуриятимиз ва итти-фокимиз саноат корхонала-рида ишлаш истагини бил-дирган ёшлар ҳам ҳузури-мизга тез-тез келиб тур-ишди. Биз яқинда Ульяновск машинасозлик заводи-га шундай ёшлардан 40 на-фарини, Владимир области-нинг Муромск шаҳрига ва Оренбург областининг Орск шаҳрига 11 нафар йигит-қизни меҳнат қилиш учун жўнатдик.

Районда аҳолини, хусусан ёшларни иш билан таъмин-лашнинг янги имкониятла-рини излаш давом этмоқда. Маҳаллий саноат раҳбарла-ри Энгельс номи жамоа хў-жалигида янги тандирхона қуриш режасини белгилан-ди. Уларни кенгайтиришга бир нарс ҳалақат беради. Бу — зарур хом ашё билан етарлича таъминланмаслик-дир. Биргина К. Маркс но-ми жамоа хўжалигида очил-ган саноат ишлаб чиқариш комбинатини олиб кўрайлик. Агар бу корхонага қўзлан-ган хом ашё етказиб берил-са, яна 40—50 кишини иш билан таъминлаш, яъни уни кенгайтириш имкони бор. Район матлубот жамиятла-ри уюшмаси раҳбарлари эса бу ишга етарли эътибор бермаётганлар. Бу ташкилот ҳар ойда комбинатга 4—5 минг сўмлик хом ашёни зўр-га етказиб бераётганлигини қандай изохлаш мумкин? — дейди қуноқчилик билан таъминлаш борасидаги танг-

ликнинг олдини олиш учун елиб-югуришимизга қарамас-дан баъзи бир муаммолар туғилмоқдаки, бу қўшимча таъминлаш иш билан таъминлаш билан шугулланувчи ходим ажратилган эди. Ҳозирда бу вазифада ишлаётганлар уму-мий ишнингизга ўз ҳиссалари-ни қўшиб келишмоқда. Улар ўз қишлоқ Советларидеги аҳволни таҳлил этиб, бу тўғрида аниқ маълумот бе-раётганликларини ишни илг-ри сиқилишмоқда. Уларнинг қўмағи туфайли яқинда 28 нафар киши район маиший хизмат кўрсатиш бошқарма-сининг хўжаликлардаги тар-моқларига ишга жойлашти-рилди. Ил бошидан бери эса 700 нафардан ортқ киши «иятимоий меҳнатга жалб этилди.

Районда фермер хўжалик-ларини кенгайтириш эвази-га ҳам кишиларни иш би-лан таъминлашда яхши на-тижага эришмоқда. 1990 йилда 511 оила шундай юмуш билан шугулланмоқда. Қишлоқ хўжалиғи маҳсу-лотларни етиштириш икка-рироя туфайли минглаб оилалар яхши даромад қи-лишапти. Районда уй бо-ғчалари очилди, хонадонларда дўконлар ташкил этиш, ка-саначиликни кенгайтириш бо-расида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ЖАБҲАСИДА

БОЗОР ТАДБИРКОРЛАРИНИ ТАН ОЛМОҚДА

Жумҳурият маҳаллий саноат вазирлигининг Олтинқўлдаги саноат комбинати меҳнаткашлари Тиндига ил-тазлама маҳсулотлар — чойшаб ва ёстиқچиларни, пардалар, аёллар халатларининг катта туркумини янъидан тайёрлади.

Бунинг эвазига сибирликлар Андижон вилоятига ёғоч-тахта етказиб беришмоқда. Саноат комбинати Куйбишев номида жомоа хўжалиги ҳудудига ўзининг ёғочни қайта ишловчи цехини қурди. Бу ерда эшиклар, дераза ромлари, бошқа танқис дураторлик буюмлари ишлаб чиқарила бошланди. Маҳаллий саноатчилар келаси йили ёғочдан ишланган 200 минг сўмлик маҳсулот сотишни мўлжаллашмоқда.

Саноат комбинати ташкил қилинганга бир неча ой бўлди. Унинг очилиши фақат тўғрилик дехининг ўзидан 80 нафар уй бекаси ва маҳаллий мактабларини битирган қизларни иш билан таъминлаш имконини берди. Январга ойнага бориб улар беш юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Ноҳиядаги янги ишлаб чиқариш бўлими кўп соҳаларди. Масалан, ҳозир Оқтепа қишлоғида қурилган қолбаса цехида ускуналар ўратилиб, соқалмоқда. Саноат комбинати жомоаси Навоий номида жомоа хўжалигида тегишмон, Олтинқўлда музқаймоқ тайёрланган цех бунёд этили киятилади.

ИШЛАР ЕМОН ЭМАС...

Ўрта Осиё темир йўли бўлимидаги ўтган ўй мобайнида барқарор ва юксак суръат билан ишлади. Темирйўлчиларнинг тармоқ тасвасида келтирилган маълумотлар ҳам шундан далолат беришмоқда.

Чунончи, шу давр ичида темир йўл меҳнаткашлари қарийб 103 миллион тонна ҳалқ хўжалиги юкларини ташидилар. Режадагидан ташқари деярли бир ярим миллион тонна юк ташидилди. Тошкент, Бухоро ва Фарғона бўлимларининг жомоалари айниқса яхши ишладилар.

Вагонларга кўп ортишдек муҳим кўрсаткич бўйича ҳам сезиларли силжиш бўлди. Келтирилган рақамларга қараганда, ҳозир ҳар бир вагонга ўтган йилдагига қараганда беш юз килограмм кўп юк ортилмоқда.

Келатган юкларни тушириб олиш учун ҳам нормативдагидан каттароқ вақт сарфланди. Ҳар кун 8819 та вагондан юкни туширишга тўғри келди, бу эса мавжуд норматив кўрсаткичига мосдир. Тўғри, юзтаги камчиликлар ҳам бўлди. Хусусан, йўналишга қараганда, поездларнинг амалда барча бўлимлардан ўтиши ёмонлашди.

Лекин умуман йўл жомоаси ёмон ишламади.

ПЕШЛАВХАНИ ЎЗГАРТИРИШНИ

Самарқандда «Сўғда-Лада» акционерлик саноат-иқтисодий фирмаси иш бошлади. Бу фирма «Автоавтотехобслуживание» вилоят бошқармасининг ўринини эгаллади.

Нима бу, пешлавхани ўзгартиришни ёки янгиликни ишлашга янгиликми?

— «Сўғда-Лада» Волжск автомобил заводи билан ўз фаолиятини ўзгача асосларда қурмоқда, — дейди фирма президенти Ш. Шарипов. — Биринчидан, биз тўла мустақилликка эришдик, иккинчидан, акциялар чиқариш бозари барқарор даражада олиш, юқори маълумли катталикларини ишдан бўшаб кетишига имкон қадар камайтириш имконини беради.

«Сўғда-Лада» саккиз миллион сўмлик акция чиқариш ниятида. Волжск автомобил заводи акцияларга эга бўлади ва у 5,5 миллион сўмлик акцияни сотиб олмақчи. Беш юз минг сўмлик янги фирма оладиган бўлганда, икки миллион сўмлик акция эса унинг ҳодимларига сотилади. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китоблари қараганда, акциялар йиллик даромадининг саккиз фоизини олишлари мумкин бўлади. Асосийси, вилоят марказидаги автомобил ёзгалари хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиди, завод эса фирмани ахтиёр қисмлар билан ўз вақтида таъминлаб туради.

АНГРЕН КОНИГА ДАЪВО

Ангрен кўмири кони ўзидан даъво қилинган 70 миллион сўмни қўлиб, касод бўлиши мумкин. Жумҳурият Табиғий муҳофаза қилиш давлат комитети Тошкент вилоят арктикари унинг устидан ана шундай даъво қилди.

Кон жомоаси кўмири қазиб олаётган, бошқа барча фойдаланиш қазилмаларини эса

чиқитга чиқариб ташлашди. Ваҳоланки, 1978 йилдаёқ кон жомоасига қазилма запасларини улардан кейинчалик фойдаланиш мумкин бўлиши учун алоҳида ажратиб олиб жойлаштириш тавсия этилган эди. Экологларнинг даъво аризасида тиклаб бўлма ёқитишларга йўл қўйилганлиги, хусусан 24 миллион тонна сариқ қумоқ тушди, 50 миллион тонна каолин, чорак миллион тонна қум-шағал аралашмаси ташлаб юборилганлиги кўрсатилган.

Бу ҳам экологик, ҳам иқтисодий томондан жиддий йўқотишдир. Кўмири билан бирга қазиб олинган фойдаланиш қазилмалар жумҳуриятнинг бинокорлик материаллари бўлган оқтинчи тўла қондирлиш мумкин. Уларни қайта ишлаш ҳар йили юз миллион сўмгача даромад келтира олади. Ҳозирча эса бу кон режа асосида зарар қўриб ишловчи корхонадир.

— Бу — энг сўнгги чора, — деб ҳисоблайди жумҳурият табиғий муҳофаза қилиш давлат комитети раисининг ўринбосари В. Конохов. — Кон раҳбарияти бизнинг йўл-йўриқларимизни ҳозирга қадар эътиборсиз қолдириб келди. Агар даъвоимиз қондирилган бўлса, жарима учун олинган пул табиғий муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармасига тўланади.

ШИФОБАХШ ГИЕҲ

Тошкентда «Ўзманен» соғлиқни сақлаш Совет—Корея қўшма корхонаси ишлаб бошлади. Магадан, Горький, Хабаровскда ҳам бу фирманинг бўлимлари бор. Фирма аъзolari бу ерда соғломлаштириш муассасаларининг бутун бир тармоғини барпо этишмоқчи. Булар Шарқ табиоботининг аёнларини усуллари (ига билан даволаш, шифобахш дориларни ва тегиллаштирувчи ичимликлардан фойдаланиб уқалаш) қўлланиладиган касалхоналар ва поликлиникалардир. Ўзбекистон пойтахтига КХДЖдан ҳозирнинг ўзидек ўн нафар шифокор келди. Булар орасида профессор, тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари бор. Декабрь ойининг бошларида улар Тошкент, Самарқанд ва Фарғонадаги фақат кундузи ишлайдиган касалхоналарда дастлабки беморларни қабул қилишди. Шифокорлар бу ерда ўстириш ниятида ўзлари билан бирга шифобахш гиёҳларнинг уруғларини олиб келишган. Шу мақсад учун маҳаллий маъмурият Тошкент ва Самарқанд вилоятларида қарийб юз гектар ер ажратиб беришмоқда. Дори-дармонлар яқин вақт ичида ишга тушадиган фармакология заводида тайёрланади. Тошкент шаҳри яқинидаги жойларнинг бирида ҳозирнинг ўзидек ишлаб чиқариш бинолари ажратилган. Бу биноларда Кореядан етказиб берилган ускуналар ўрнатилма бошланди. Янги корхона йилга миллион сўмликдан кўпроқ 200 хил гиёҳни қайта ишлайди. Дорилар тайёрлашда асосан одамгиёҳдан фойдаланилади.

КАФОЛАТ БЕРАДИ...

Заҳарли моддалардан фойдаланишдан тўғри ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг аъло сифати, сунинг тежаллиши ва унинг жуда яхши тозаланиши, жакон стандартлари даражасидан меҳнат шартнон... «Средствэлектроник» бирлашмаси Тошкентдаги бош корхонасида қабул қилишга тайёрланиётган таъминот линиясини оффисларни ана шундай. Ускуналар етказиб бериш ва уларни фойдаланиш учун тайёр қилиб ўрнатишни Швециянинг «Гальвоур» фирмаси ўз зиммасига олган.

Ҳозирнинг ўзидек Таллин портида контейнерлардан Стокгольмдан келтирилган қимматбаҳо юклар тушириб олинмоқда. Бу орада эса Тошкентда ярим автомат линия ишга туширилди. Унинг шарофати билан деталарга ишлов беришнинг эскириб қолган технологиядан воз кетилди. Ўшаб қолган майдонлар реконструкция қилинди, ҳаёт таъминоти манбалари ўтказилди.

Нобир ойининг охиридаги «Гальвоур» фирмаси мутахассисларнинг дастлабки туруш келди. Уларнинг ваъдаси янги линия учун тайёрлаб қўйилган пойдевори киёмий жиҳатдан яхши пластик билан қопланган иборатдир. Январ ойида асосий ускуналар ўрнатилма бошланди. Гальвоур линия билан бирга тозалаш иншоотларининг кучли системаси ишга туширилди.

Линияда бир кеча-кундузда уч тонна детал тайёрланади. Уларни руҳ ва қадимий билан қоплаш жараёни заҳарли цианли натрийдан фойдаланишга ахтиёр қолдирмайдиган энг янги технология асосида олиб борилади.

(ЎЗАТАГ).

темасига ўтиш йўллари қўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Ялли ва алоҳида-алоҳида мажлисларда талабаларга таълим беришнинг, сийсий таълим, фалсафа, тарих, бошқа ижтимоий фанларни ўрганишда техникавий воситалар ва компьютерлардан фойдаланишнинг янги шакли ва усуллари муҳокама қилиш ҳам режалаштирилган.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси томонидан қилинган ҳаёт ва ижтимоий-сийсий жиҳатдан тайёрлашнинг янги сис-

Бу воқеа Улуғ Ватан урушидан олдин бўлган эди. Вера Кузнецкина тенгдошлари сингари бетаваш ҳаёт кечирди. У эҳдидаги 15 йашга тўлган, саккизинчи синфини тамомлаганди. Ўша пайтда Вера Смоленск вилоятининг Воход районидан яшарди. Отаси Петр Николаевич эса Москвада ишларди. Шунинг учун пойтахтга боришга ва ўша ерда озиқ-оват техникумга ўқишга киришга қарор қилди. Йўлда Вера уруш бошлангани ҳақидаги хабарни эшитди.

Қиз уйга кетишни истарди, аммо орқага йўл йўқ эди — немис авиацияси кўпгина темир йўллари бомбардировка қилиб бўлган. Москвага келди, пойтахт эса қамал қолганда эди. Унинг мудофачилари сағирга туркидан бошқа иложи қолмаганди. Шундай қилиб, Вера Москва халқ лашкарлари сағирга қўшилди.

Отаси Москвадаги ҳарбий заводлардан бирида ишларди. Корхонадан Урал ортга қўйирилганда у ҳам қўйирилган каторида жанггоҳга кетишни икти қилди. Москва вилоятининг Петров райони ҳарбий комиссариатига борди ва мақсадига эришди. 40-ўқчи бригадга қўйилди бўлиб кирди. Шу ерда тасодифан у қизи ҳақида хабар эшитиб қолди. Урашадилар. Аммо улар ўзбек бўлишмоқда; иккинчи ҳам пойтахт мудофачиси эди. Шунинг учун ҳам ҳарбий

ИНОҚЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

КПСС Марказий Қўмитасида иттифоддош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Қўмиталарининг хотин-қизлар ҳаракати билан боғлиқ иш учун масъул вакилларнинг кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Қўмитасининг хотин-қизлар ва оила масалалари комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида ССЖИ Президенти М. С. Горбачёвнинг мамлакат Олий Кенгаши сессиясида ўртага қўйилган дастури ва Иттифок шартномаси тузиллиши муносабати билан партия қўмиталарининг вакиллари муҳокама қилинди.

Кенгашда иттифоқсиз мамлакатнинг келажак йўқлиги, шундай иттифонинг янги асосида тузиш ва мустақамлаш жумҳуриятларнинг мустақиллиги эид эмаслиги таъкидланди.

Хотин-қизлар, оила аҳолини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари юзасидан манфаатдорлик билан фикрлаш олиб олиб ва тажриба алмашилди. Кенгаш ишторкичиликни фўқаролар иноқлиги ҳаётий зарурат эканлиги тўғрисида, бозор иқтисодиётини ўттиш даражидан хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида, уларнинг сийбатдаги мавқеи тўғрисида таъкидланди.

ВАРШАВА. «Бирдамлик» касабга уюшмасининг раҳбарияти кенгашининг иқтисодий аҳоли тўғрисида ҳушталашга тайёргарлик қўриш ҳақида маълум қилди.

● МЕХИКО. Бу ерда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси Коммунистик ҳақда ишчи партияларининг ўрашувчи бошланди. Урашувда минтақадаги 14 та давлат, марксизм-ленинизм маслалари 17 та партияси вакиллари катнашмоқдалар. Мексика социалистик халқ партияси бевосита ташкил этган бу урашувда Совет Иттифок, ХХХ, АҚШ, Вьетнам Коммунистик партиялари ҳамда Корея Меҳнат партиясининг вакиллари қузатувчилик сифатида ҳозир бўлишди.

Социалистик халқ партиясининг бош котиби Сайаго Эррера урашувини очар экан, унинг асосий максасди Лотин Америкасидаги ҳақда жаҳон коммунистик ва ишчилик ҳаракатидаги аҳолини

Польша телевидениеси шарҳловчисининг сўзларига қараганда, ишдан кетётган Польша президенти Войцех Ярузельский бу лавозимни яна уч ҳафта мобайнида эгаллаб туришни кутилмоқда. Агар у зарур ҳисобласа, янги бош вазирни тайинлаши мумкин.

Польшада Президент сайловининг иккинчи давраси 9 декабрь кун бўлади.

ПРАГА. Бу ерда Чехославкия касабга уюшмалари конфедерацияси бош кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисида касабга уюшмаларга дахлдор асосий ҳуқуқларини муҳокама қилиш чоғида ЧСФЖ федерал мажлиси (парламенти)да юзга келган мушкул ваъзига нисбатан меҳнаткашларнинг муносабати аниқланди. Кенгаш парламент депутатларига очик мурожаатномани маълумлади. Мурожаатномада меҳнаткашларнинг меҳнат қилиш, бепул тиббий ёрдам ва таълим олиш, ижтимоий жиҳатдан муносиб таъминлашни соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга таъкидланди.

Биз депутатларга келажикимиз ҳал қилувчи ижтимоий қушларнинг аҳдқилини боғлиқ эканлигини эслаш ўтмиш, дейилди ҳужжатда. Касабга уюшмалари, шубҳасиз, шундай қушлар қаторига кириди.

Чехославкия касабга уюшмалари конфедерациясининг

Тақдир чорраҳаларига

ЖАНГГОҲДА КЕЧГАН ЁШЛИК

қисмларга жўнадилар. Шундан кейин галабага қадар учрашмадилар.

Веранинг сафдошларини гуруҳларга бўлиб Вязьмадаги 216-ўқчи дивизияга жўнатишавтанди.

У тажрибали ҳарбий мутахассислар бошлиқлида фельдшерлик-санитарлик курсида ўқиди, бир вақтнинг ўзида отини ўрганди. Уларни ҳақийқ Ватан ҳиссачилари этиб тайёрлашди. Сўнгра Вера ўз полки сафида биринчи жангин Ржев остонасида ўтказди.

Бир кун ядролар билан чекинаётиб, санитруктор ва унинг жанговар ўрқотлари йўлдан адашиб қолдилар, кассерда эканлигини билнш-ҳозир эди. Шунинг учун тунда ядроларнинг жарлиқда қолдириб, қишлоқни қидириб кеттишди, чуқин совқотган ва жароқланганларни жойлаштириш лозим эди.

Улар қишлоқкача боришди. Номин Новоизбынка бўлса ке-

рак, деб эслайдилар Вера. Мактабда госпиталь жойлашганини аниқлашди. Қишлоқдан жомоа хўжалиги раисини ахтариб топилди ва отлар билан икки та чана сўраб олишди. Жарликка қайтиб келиб, огир ядроларини чаналарга ортишди, энгил ядролар эса ўзлари юриб кетишди. Аммо госпитальга етмасдан — ўрмонга кирверншида уларни немис автоматчилар ротаси асир қилиб, қишлоққа ҳайдаб кетди.

Қишлоқлик ўқратуш бейфойда эди. Ўртабел сот бешга қин қишлоққа етиб келишди. Қишдагидек қоронғи эди. Ўстатдан уларнинг устидан немис самолётлари пастлаб ўтди. Чамаси, қишлоқни фашистар босиб олгандан учунча бекар бўлса керак. Ҳавода айланиб, ядролар жойлашган чаналарга тўтун бурқушқан ва ёндирувчи бомбалар ташладилар. Вера кучли контузия олди. Қўзини очганида бир аёлининг сомонхонасида ёт-

Қиз аёл билан гаплаша олмас, қўл ҳамда кўзлари билан муомала қиларди. Шунинг учун унинг фамилиясини билмади. Соғайиши биланқок дарҳол жанггоҳга жўнди. Қутқарувчисининг номини билмаседа, Вера Петровна у ҳақда яхши хотира саклайди. Саккиз ойлик даволашнинг сўнг Вера 3-Белоруссия фронтига жўнатишди. У бутун Белоруссияни босиб ўтди. Кенигсберг шаҳрини олмида ана контузияга учради. Лекин бу гел энгилроқ эди.

1943 йил май ойининг бошда Москвада Тошкентга ядроларини олиб кетадиган эшelon тузилмаётган эди. Вера ҳам шу ерга тушиб қолди.

Эшelon Тошкентга етиб келганда ядроларини Оқтош районида жойлашган ҳарбий госпитальга жўнатишди. Тез оғирлаб кетган жангчилар тинч меҳнатга қайтишди. Жунладан Вера ҳам. Тақдир тақозиси билан у Ширкесбага бориб қолди. 35 йилдан бун турли корхоналарда меҳнат қилди. Шу ерга ўз қарияларини ҳам кўчириб келди.

Энди иш кунини тугаб, нефтчилар посёлоксига оқшом чўпканда Вера Петровна ўқини шошмайдиган у шаҳардаги мактаб ва корхоналарнинг азиз меҳмони, унинг сўбатларини тингловчиларга завок бағишлайди.

А. МУРИЕВ.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

28 ноябрь кун Тошкентда Ўзбекистон ССЖ билан Хитой Халқ Жумҳуриясининг Шинжапон-Уйгур автоном райони ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Ҳужжатда Ўзбекистонда ва ХХЖнинг Шинжапон-Уйгур автоном районида халқ истеъмолоти моллари, бинокорлик материаллари, қишлоқ хўжалик техникаси, электр техника буюмлари ишлаб чиқариладиган қўшма корхоналар ташкил этишда бевосита икки томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш кўзда тутилди.

Ўзбекистонда энг янги технология асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган, сақлайдиган ва қадқоллайдиган кичик ва ўртача корхоналар қуриш мўлжалланган. Ўзaro фойдали савдо-сотнқ ҳажми кўпайтирилди. Томирлар фан, техника, халқ таълими, кадрлар тайёрлаш ва бошқа йўналишлар соҳасида алоқаларни кенгайтириш тўғрисида келишиб олдилар. Ҳамкорликни мустақиллаштириш учун икки томонлама ишчи гуруҳини тузишга қарор қилинди.

Битимни Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов ва ХХЖнинг Шинжапон-Уйгур автоном райони халқ ҳукумати раиси Т. Даваомат имзолادилар.

Ҳужжатни имзолаш маросимида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон ССЖ Президентлик Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазирлиги С. О. Азимов иштирок этидилар.

Шу кун ХХЖ Шинжапон-Уйгур автоном райони савдо-иқтисодий делегациясининг аъзолари «Зенит» ишлаб чиқариш биразмасини, Тошкент тўқимачилик комбинати бориб кўрдилар.

Меҳмонлар турли жумҳуриятлар ҳамда идораларнинг вакиллари билан амалий учрашувлар ва сўбатлар ўтказдилар. Олмалиққа сафар қилдилар.

(ЎЗАТАГ).

МАШИРҚАН МАҒРИБГАЧА

СУМИ. Ахтирлагани «Сельхозмаш» заводининг жомоаси ўз куч-ғайратларини вужудга келатган фермерлик эҳтиёжларини қондиришга қаратмоқда. Корхона ичхам электр илдиқирқичлар ишлаб чиқариш йиллик режасини бажарди. Маҳсулотининг арзонлиги унинг харидорлиг бўлишини таъминлади. Илдиқирқич атиги 130 сўм туради. Завод талабнинг қатталигини ҳисобга олиб, йил охиригача яна 500 та илдиқирқич ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Арзонроқ қўл илдиқирқичи фермерлар ва ижарачиларга мўлжалланган. Завод кўнвейерига эса ҳозирнинг ўзидек янги маҳсулотлар, масалан, текамкор дон туя-

диган қурияма пайдо бўлди. У билан бир соатда бир тонна бутдой, арпа ёки нўхотини тўйиб ёрма қилиш мумкин.

● ЕРЕВАН. Жумҳурият мусиқа жомоалари чаманзориди «Айастон» («Арманистон») деб аталган янги ном пайдо бўлди. Арам Ҳачатурян номли маданий-маърифат уюшма ҳузурида симфоник оркестр тузилди, у иш бошлади. Жомоа яқин вақт ичида мамлакат бўйлаб сафарга чиқади, Франция ва Италияда бўлади. Дастлабки концертлардан тушган ҳамма маблаг 1988 йилнинг декабрида рўй берган зилзиладан жабрланган болаларга ёрдам жамғармасига ўтказилади.

ҚАЛАМКАШЛАР АНЖУМАНИ

МОСКВА. 28 ноябрь. (ТАСС мухбири С. Новожилов). Бугун Москвада ССЖИ Журналистлар уюшмаси бошқарувидаги пленуми бўлди. Унда мамлакат журналистлар уюшмалари конфедерацияси Низомининг

ва уни тузиш ҳақидаги шартноманинг лойиҳалари муҳокама қилинди. Делегатлар бозор иқтисодиёти шартнонни даъвои ахборот воситалари фаолиятининг долзарб масалаларини қўриб чиқдилар.

Пленум қатнашчилари матбуот органларини қозғо билан таъминлаш муаммосига алоҳида эътибор бердилар. Унинг етишмаслиги натижада баъзи тахририятлар ўз ишлари соини кенгайтиришга мажбур бўлишмоқда. Делегатлар рўномадан ва ойнамаларни қозғо билан

таъминлашни яхшилаш тўғрисида ССЖИ Вазирлар Кенгашига илтимоснома юборишга қарор қилдилар. Нотийқлар журналистларнинг янги ташкилот матбуот ҳодимлари ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш лозимлигини таъкидладилар.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

чуқур таҳлил этишдан иборат, деб таъкидланди. Бундай аҳвол Шаркий Европа мамлакатларидаги воқеалар, ССЖИдаги қайта қуриш жараёни, Лотин Америкасидаги қўшчилар давлатлар бошидан кечираётган ижтимоий-иқтисодий танглик натижада келиб чиққан. Шунингдек урашувда Лотин Америкаси коммунистларининг янги шартнонлар умуий стратегияси ва тактикаси ҳам ишлаб чиқилди.

БОНН. Кескиликни юмшатиш жараёни кучайганлиги, кўрсаткичнинг юзасидан Вена музокараларида ахлалашуларга эришилганлиги Ғарбий Германия ҳарбий сановни Бундесвер буюртмаларини уч баравар камайтиришга олиб келди. Яқин келажакда ҳарбий ишлаб чиқариш сановни корхоналарида банд бўлганларнинг тўртдан бир қисми жиддий қийинчиликларга дуч келди. Иқтисодий оқибатларнинг миддор бунтаб олинган ишлаб чиқариш қувватларидан қай даражада самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади. Парламентнинг ГФЖ иқтисодий вазирлиги Эрих Ридль «Зюддойче дайтунг» рўномаси мухбири билан сўбатда шу ҳақда гапирди.

Ҳарбий сановни конверсияда Германия Федерацияси жумҳурияти бошқа

техникаси, тўплар ва ўқдорлар ишлаб чиқариладиган саноат тич йўлга ўтказилганда ҳам мушкулларга ётқолади. Тинч маҳсулотларга ҳамма жойда талабни қулайтириш, Шарийда ва Ғарбда бозорлар очилиш бундай қийинчиликлардан чиқиб қўли деб биламиз, деди Ридль.

● ГААГА. Нидерландия ҳукумати Европа ҳамжамияти комиссияларининг ССЖИга озиқ-оват маҳсулотлари билан ердам бериш тўғрисида тезроқ қарор қабул этилишига қўшқалашни мақсадиди қўлидан келган барча ишларни қилиши керак. Голландиянинг Рурмонд шаҳрида бўлган мажлисда меҳнат партиясининг раҳбари, Нидерландия молия вазирлиги Вим Кок шу ҳақда гапирди.

Коннинг сўзларига қараганда, биргина озиқ-оват ердами бериш билан Совет Иттифокга ҳамда бошқа Шаркий Европа давлатлари иқтисодий соғломлаштириш муаммоларини ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун молиявий ердмининг қатта-қатта лойиҳалари зарур. Нидерландия ҳукумати ана шу мулоҳазаларга асосланиб, совет делегацияси билан яқинда ўқазилган музокаралар чоғида ғарб банклари Совет Иттифокига бир миллион гульденгача қарз бераётган чоғида бутун кафолатини ўз зиммасига олишга тайёр

